

№10, 30 август, 2022 й.

**Узумчилик ва виночилик  
соҳасида янги технологияр  
ДАЙЖЕСТ**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги  
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2022



**"Узумчилик бу – халқимизнинг асрлар давомидаги миллий дәхқончилик маданияти, қадрияти, ғурури ва даромад манбай ҳисобланади. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган".**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.М.Мирзиёев**

## **Дайжест. Узумчилик ва виночилик соҳасида янги технологияр - Т.: 2022. 10-б.**

**“Дайжест: Узумчилик ва виночилик соҳасида янги технологияр“ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази томонидан тайёрланган.**

## Италия

Италияning узумчилик соҳасидаги етакчилиги замонавий асбоб-ускуналар қўлланишига боғлиқ.



Ca 'Bolani компанияси томонидан тақдим этилган бир нечта амалларни бир пайтнинг ўзида бажара оладиган янги робот-ускуналар айнан узумчилик соҳасида қўлланишга мўлжалланган. Бундай “автоном” машиналарни бошқарувчи операторнинг вазифалари жуда чекланганлиги ва ҳавфсиз эканлиги эътиборга моликдир [1].

## Италия

Италияning Падуи шаҳридаги Pratoverde компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган Robocut English McConnel робот-машинаси ихчам, масофадан бошқариладиган, гусенициали ғилдирак билан жиҳозланган асбоб ушлагичли ҳаракатланувчи восита бўлиб, токзорлар ора қаторларини бегона ўтлардан тозалаш, ток барглари ва новдаларини майдалашга мўлжалланган. У ҳатто тикка кўтарилиб борадиган (ҳатто  $55^{\circ}$  қиялиқдаги). майдонларда ҳам ишлайверади. У ўзи бошқарилади ва турли қувватлардаги оддий бензин двигателида ишлайди.



Миланнинг ARVAtec компанияси томонидан яратилган ARVApplant Mobile мобиль тизими – бу бевосита далада тажрибали мутахассислар учун токларни “лойиҳалаштириш” масаласини ечиб берадиган оддий ва самарали техника воситасидир. Бу техник восита ёрдамида битта оператор ҳар қандай мураккаб майдонларни исталган тупроқ шароитларида текислаш, ишов бериш, экинларни жойлаштиришни осонлаштиради [2].

Токзорларга зарур бўладиган материалларни ҳали иш бошланмасдан ҳисоблаб бериши, ортиқча харажатларнинг олдини олади ва вақтни тежайди. Айниқса қўл билан амалга ошириладиган ишлар учун қулай бўлиб, механизация ёрдамида амалга ошириб бўлмайдиган ер участкаларида ишчиларни ишини осонлаштиради, қулайлик яратади.

# Франция

Франциянинг UV Boost компаниясининг

Helios ускунаси узумлардаги айрим замбуруғли касалликтарга (ун шудринг

ёки оққиров касалликтарига) қарши инновацион курашиш воситаси бўлиб,

УФ-С нурларини таратиш тизимида эга.

Ускуна салицил кислотасини кўпроқ ишлаб чиқариш ҳисобига ўсимликларнинг табиий ҳимоя механизмларини рафбатлантиради ва токзорларда кимёвий модалларни қўллаш заруратини камайтиради (-30/-50%). У тракторларга уланган ҳолда 2-4 км/с тезлиқда ишлайди [3].



Франциянинг Naïo Technologies компанияси томонидан яратилган Ted ускунаси автоном портал восита бўлиб, ундан ер майдонини юмшатиш, қатор ораларини текислаш ва токзорни суғориш учун фойдаланиш мумкин. Ускуна GPS билан жиҳозланган, 100 фоиз электр қувватида ишлайди, бир қувватланганда 8-10 соатгача ишлайди, бу бир кунда 4-5 гектар ер майдонга ишлов бериш мумкинлигини англаади. Бу “ер дрони” бўлиб, қатор ораларидан <2 сантиметр аниқлиқда ҳаракатланади. Ускуна технологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда токзорларни хомток қилиш, ўсимликларга суюқ моддаларни пуркаш ва тупроқни юмшатиш мумкин.

## Словения

Slopehelper ускунаси Словениянинг PeK Automotive компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу 100 фоиз электр энергиясида ишлайдиган қышлоқ хўжалиги асбобларини бошқара олади. Унинг бир ўзи токзорларда қилиниши керак бўлган барча ишларнинг 90 фоизини амалга оширади. У GPS қурилмаси билан автоном равишда 14 соат давомида ишлайди [4].



**Slopehelper автоном автомобили, Випара водийси , Словения**

Мазкур технология узумчилик ва виночилик соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Мазкур инновациялар ишлаб чиқарувчиларнинг маълум масалаларда аниқ ва ўз вақтида қарор чиқаришларига имкон бериш билан бир қаторда, узумчилик ва виночилиқдаги иш харажатларини камайтириш имконини бермоқда.



## Словения

Ақли бошқарув тизимлари далаларда ўрнатилган ускуналардан олинган маълумотлар ва ҳисботлар ёрдамида токзорлардаги ишларни оптималлаштиради. Улар об-ҳаво шароитларидан бошлаб тупроқ намлигигача бўлган кўрсаткичларни назорат қилишга қодир. Бу ҳосил йўқотилишининг олдини олади, пестицидлардан камроқ фойдаланиш ва иш ҳажмининг камайишига олиб келади. SmartVineyard аниқ ишлайдиган ускуналар орқали токзорларнинг микроиқлимини таҳлил қилиб, узумларга қандай касалликлар ва зааркунандалар тегиши мумкинлигини башорат қилади. Бу ўз навбатида, ҳосилдорлик камайишини бартараф этади, пестицидлардан фақат зарур ҳоллардагина фойдаланишга йўл очади ва ортиқча меҳнат қилинишига барҳам беради [5].



Terraview токзор эгаларига реал вақт шароитида ўсимликларнинг музлаб қолиши ёки қуриб қолиши мумкинлиги ҳақида маълумотларни бериб туради. У шунингдек ҳосилдорлик даражаси ва углерод миқдорини аниқлайди. Terraview ёрдамида биз ҳозирда узумни пишиш муддатларини аниқлай оламиз, бунинг натижасида ҳосилни териб олиш вақтини белгилай оламиз, ҳосилдан намуналар олишга вақт сарфламаймиз», – дейди Каталониянинг Valformosa Winery узумзорликка ихтисослашган корхонаси техник директори Льюис Колл .




Tule Vision – бу токларни пастки қисмидан юқорисигача түлиқ суратга туширадиган илова бўлиб, ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлайди.

Узум етиширувчи фермерларда кўпинча ишчи кучи етишмайди. Tule Technologies компаниясида доимий ва мавсумий ходимлар ишлайди. Бундай компания учун бу камлик қиласи, аммо муаммо телефонни квадрациклнинг олд қисмига ўрнатиб қўйиш орқали ҳал этилди. Улар ранчода ўз юмушлари билан ҳаракатланишаркан, мобил илова ўзи маълумотларни йиғаверади.



Алоҳида одамлар томонидан йиғилган маълумотлар таҳлил қилинади ва жамланади ва бу маълумотлардан ташкилотнинг мазкур иловага эга бўлган ходимлари фойдаланишади. Бу Tule Visionнинг ривожидаги катта қадам ҳисобланади. Негаки авваллари ишчилар ҳар бир ўсимликни олдига бори, сурага туширишлари талаб этиларди. “Одатда узумчилик фермаларида ишлайдиган хизматчиларнинг иши шунчалик кўпки, улар атайлаб расмга олишга улгuriшмайди”, – дейди Tule Technologies компанияси раҳбари Том Shapland.

1. Robot in vigneto, il futuro è adesso//  
<https://vigneviniequalita.edagricole.it/vigneto/meccanizzazione-vigneto/robot-in-vigneto-il-futuro-e-adesso/>
2. Rive 2021: specchio della viticoltura in evoluzione//  
<https://agronotizie.imagelinetwork.com/agrimeccanica/2021/04/30/rive-2021-specchio-della-viticoltura-in-evoluzione/70221>
3. <https://slopehelper.com/articles>
4. <https://www.arvatec.it/prodotti/arvatec/arvaplant-mobile/>
5. The Power of Computer Vision in AgTech with Tom Shapland, Co-Founder and CEO of Tule Technologies // <https://themodernacre.com/2022/02/210-the-power-of-computer-vision-in-agtech-with-tom-shapland-co-founder-and-ceo-of-tule-technologies/>



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилиги ҳузуридаги  
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2022